



## БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИ ЖАЗО ХАЛҚАРО ТАЖРИБА.

**Хушвақтова Нодира Акрамовна**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси ўқитувчиси

**Холдорова Матлубахон Зухриддин қизи**

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар  
вазирлиги Академияси курсанти


<https://doi.org/10.5281/zenodo.7825106>

Аннотация. Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ҳудудида безорилик жинояти, унинг тушунчаси ва ушбу жиноят учун жавобгарлик, шу билан биргаликда Россия Федерацияси, Эстония, Қозоғистон, Молдова ва Тожикистон Республикаси каби давлатларнинг жиноий ҳуқуқий қонунчилигида безорилик жинояти ва ушбу жиноят учун жавобгарлик масалалари ёритилган.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ, айрим жиноятлар бўйича жавобгарликнинг шарти сифатида жиноят содир этиш жойи, вақти ва шароити кўрсатиб ўтилган. Безорилик жиноятларни тергов қилишда терговни амалга ошираётган ходим аввало мазкур белгиларга асосланган ҳолда, уларнинг безорилик жинояти турларига оид кўринишларини аниқлаши шарт. Безорилик - жамоат тартиби қоидаларига қасддан ҳурматсизлик билдиришда ифодаланадиган қилмиш. Мана шу қонуний таърифдан келиб чиқиб таъкидлаш керакки, безорилик жамоат тартибига тажовуз қилишда ифодаланади.

Тажовуз объекти сифатидаги жамоат тартиби деганда, кишилар нинг ижтимоий муомала ва хулқ-атвор қоидалари асосини ташкил этувчи ўзаро муносабатлари, юриш-туришлари, жамоат ва фуқаролар тинчлиги, умумэтироф этилган ахлоқий, ҳуқуқий, диний, маънавий, миллий ва бошқа анъаналар, урф-одатлар ва қадриятларни ҳурмат қилиш ва уларга риоя этишни таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар тушунилади.

Жамиятдаги ахлоқ қоидаларини менсимаслик деганда, қонунга, ижтимоий муомала ҳамда ахлоқ-одоб қоидаларига, умум эътироф этган анъана ва урф-одатларга, шаклланган ҳаёт тарзига нисбатан ҳурматсизликнинг намоён бўлиши тушунилади. Шахс жамиятдаги ахлоқ қоидаларини менсимаган ҳолда жамоат тартибини ташкил этувчи ва қонун билан ҳимоя қилинувчи ижтимоий муносабатларга зарар етказадиган ёки зарар етказишнинг реал хавфини вужудга келтирадиган муайян ҳаракатлар қилади.





Безорилик жинояти янада такомиллаштириш учун биз бир нечта хорижий давлатлар кодекси асосида таҳлил қилиб кўрамиз. Биз қуйидаги давлатлар мисолида безорилик жиноятини янада чуқурроқ ўрганиб чиқамиз:

Россия Федерацияси Жиноят Кодексининг 213 моддасида безорилик жинояти белгиланган бўлиб, Ушбу модда 3 қисмдан иборат. Ушбу модданинг биринчи қисмида безорилик жинояти тушунчасига таъриф берилган. Бунда кўрсатилганидек, безорилик жинояти бу жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, жамоатчиликка нисбатан ҳурматсизликда бўлишда ифодаланиб:

а) совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиш мумкин бўлган нарсаларни (қурол сифатида) намойиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб;

б) сиёсий, ирқий, махаллий ёки бошқа ғаразли мақсадларни кўзлаб содир этилса;

Ушбу қисмлардаги жиноятларни содир этган шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 300 мингдан 500 мингача жарима ёхуд 480 соат мажбурий жамоат ишлари, ёки 1 йилдан 2 йилгача аҳлок тузатиш ишлари билан жазога тортиладилар.

Ушбу модданинг иккинчи қисми оғирлапгирувчи ҳолат ҳисобланади.

Бунда кўрсатилишича ушбу ҳаракатлар яъни, жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаслик,

жамоатчиликка нисбатан ҳурматсизликда бўлиш гуруҳ томонидан содир этилса, ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган жиноятни ташкил қилади. Ушбу модданинг иккинчи қисмини содир этган шахсга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 500 мингдан миллион рублгача жарима ёхуд 5 йилгача мажбурий жамоат ишлари ёки 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарлика тортилади.

Ушбу модданинг учинчи қисми диспозициясида кўрсатилганидек, худди шу ҳаракатлар яъни биринчи ва иккинчи қисмда кўрсатилган ҳаракатлар портловчи модда воситалари орқали содир этилса, жиноят кодекси 213 моддасида назарда тутилган жиноят таркибини келиб чиқаради.

Ушбу модданинг шу қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади.





Украина Республикаси жиноят қонунчилигида безорилик жинояти мавжуд. Украина Республикаси Жиноят Кодексининг 296 моддасида безорилик жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модда 4 қисмдан иборат бўлиб, унинг биринчи қисмида безорилик жинояти тушунчасига таъриф берилган.


Безорилик жинояти бу жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамоатчиликка нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиш, жамиятда юриш туриш қоидаларини менсимаслик, ўта паст ниятда ва ғаразли мақсадларда содир этилишида ифоаланади. Ушбу қисмни содир этган шахсга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваригача жарима ёки 6 ойгача қамоқ ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмида худди шу ҳаракатлар, яъни жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамоатчиликка нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлиш, жамиятда юриш туриш қоидаларини менсимаслик гуруҳ томонидан содир этилишида ифодаланади. Содир этган шахсга нисбатан жавобгарлик масаласи 5 йилгача озодликни чеклаш ёхуд 4 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида, худди шу ҳаракатлар, яъни биринчи ва иккинчи қисмдаги ҳаракатлар илгари безорилик жинояти учун жавобгарликка тортилган шахслар томонидан ёки жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларининг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга қаршилик қўрсатиб содир этилган бўлса, ушбу жиноят таркиби келиб чиқади. Содир этган шахсга нисбатан 2 йилдан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

Ушбу модданинг тўртинчи қисми оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Биринчи қисмда кўрсатилган ҳаракатларга, ўқ отар қурол ёки совуқ қурол, махсус тан жароҳати етказиши учун мўлжалланган қуролдан фойдаланган ҳолда содир этилишида ифодаланади. Ушбу қисмни содир этган шахсга нисбатан 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган.

Молдова Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам безорилик жинояти мавжуд. Молдова Республикаси Жиноят Кодексининг 287 моддасида безорилик жинояти учун жавобгарлик белгиланган. Ушбу модда





уч қисмдан иборат булиб, биринчи қисмида безорилик тушунчасига таъриф берилган.

Безорилик жинояти бу- била туриб, жамоат тартибини қасддан бузиш, куч ишлатиш ёки куч ишлатиш билан қўрқитиш, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган қонун ҳимоячисига ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик жиноятини олдини олиш чорасини кўрган шахсга нисбатан қаршилик кўрсатиб содир этилишида ифодаланади. Алоҳида белгиси сифатида гаразли ва паст ниятда содир этилади. Ушбу моддадаги жиноятни содир этган шахсга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 550 бараваридан 1050 бараваригача жарима ёки 180 соатдан 240 соатгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортилади.


Ушбу модданинг иккинчи қисмида худди шу ҳаракатлар:

- а) илгари ушбу жиноятни содир этган шахсга нисбатан;
- б) бир гуруҳ шахслар томонидан;

Ушбу қисмда назарда тутилган жиноятни содир этган шахсларга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 750 бараваридан 1350 бараваригача жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида совуқ қурол ёки кишининг соғлиги учун амалда шикаст етказиши мумкин бўлган нарсаларни намоёйиш қилиб, уларни қўллаш билан қўрқитиб ёхуд қўллаб содир этилишида ифодаланади. Юқорида назарда тутилган ижтимоий хавfli қилмишни содир этган шахсга нисбатан 3 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланилади. Эстония Республикаси жиноят қонунчилигида ҳам безорилик жинояти учун жавобгарлик масаласи белгиланган. Эстония Республикаси Жиноят Кодексининг 195 моддасида безорилик жинояти белгиланган. Ушбу модда уч қисмдан иборат.

Биринчи қисм диспозициясида безорилик тушунчасига таъриф берилиб, яъни безорилик била туриб, жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамоатчиликка ҳурматсиз муносабатда бўлишда ифодаланади. Ушбу қилмишни содир этган шахсга нисбатан жарима ва қамоқ жазоси белгиланган. Ушбу модданинг иккинчи қисми худди шу ҳаракатлар, яъни жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамоатчиликка ҳурматсизларча муносабатда бўлишда ифодаланган ҳаракатлар гаразли ва паст ниятда, жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларнинг олдини олиш чорасини кўрган бошқа фуқароларга





қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлишида ифодаланиб, ушбу қилмишни содир этган шахсга нисбатан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг учинчи қисми оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ушбу қисм, яъни ўқ отар қурол ёки совуқ қурол, шахсга тан жароҳати етказишга мўлжалланган воситалардан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлишида ифодаланади. Содир этган шахсга нисбатан 1 йилдан 7 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортилиши қонунда белгиланган.

Қозоғистон Республикаси жиноят қонунчилигида майда безорилик ва вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган безорилик жиноятлари мавжуд. Қозоғистон Республикаси Жиноят Кодексининг 434 моддаси майда безорилик деб номланади. Бу ҳуқуқбузарлик 3 қисмдан иборат бўлиб биринчи қисмида майда безорилик ҳуқуқбузарлиги тушунчасига таъриф берилган.

Майда безорилик бу жамоат жойларида, аҳоли яшаш жойларида, боғларда, ҳиёбонларда, транспортлар ва жамоат транспортларида ахдоқ одоб қоидаларини бузиш, атроф мухитни ифлослантириш, хўжалик чиқиндиларини атроф мухитга сочиб ифлослантириш, фуқароларнинг турар жой даҳлсизлигига, тинчлиги ва ҳаёт тарзига зарар етказишда ифодаланади. Ушбу қилмишни содир этган шахсга нисбатан жарима ёки 10 кун муддатга маъмурий қamoқ жазоси билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг иккинчи қисми оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади. Ушбу модданинг диспозициясида кўрсатилганидек, худди шу ҳаракатлар 1 йил муддатда қайта такрорланиши оқибатида жавобгарлик юзага келиб чиқади. Ушбу моддада назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан 15 кунга маъмурий қamoқ билан жавобгарликка тортилади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида худди шу кодекснинг 50 моддасида кўрсатилган ҳаракатлар мавжуд бўлса, ҳуқуқбузарлик таркиби келиб чиқади. Содир этган шахсга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравар миқдоридан жарима жазоси белгиланган.

Қозоғистон Республикасининг Жиноят Кодексининг 435 моддаси вояга етмаганлар томонидан содир этилган безорилик жинояти учун жавобгарлик белгиланган.

Ушбу модда бир қисмдан иборат бўлиб, яъни майда безорилик ёки безорилик жиноятини 14-16 ёшгача бўлган вояга етмаганлар томонидан





содир этилишида ифодаланади. Бу қилмиш учун жарима жазоси белгиланган бўлиб, унга безорилик жиноятини содир этган вояга етмаганнинг ота онаси ёки ўрнини босувчи шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробар миқдорида жарима жазомига тортилади.

Тожикистон Республикасининг Жиноят Кодексида безорилик жинояти мавжуд бўлиб, у Жиноят Кодексинг 237 моддасида белгиланган. Безорилик жинояти 3 қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисм диспозициясида безорилик жиноятига таъриф берилган. Яъни безорилик бу жамоат тартибини қўпол равишда бузиш, жамиятда юриш туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, жамиятда хурматсизлик муносабатида бўлган ҳаракатлар содир этиш, шахсларга зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, мулкка шикаст етказиш ёки нобуд қилишда ифодаланади. Ушбу ҳаракатларни содир этган шахсга нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваридан 30 бараваригача жарима, аҳдоқ тузатиш ишлари, 1 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жавобгарликка тортлади.

Ушбу модданинг иккинчи қисмда худди шу ҳаракатлар:

- а) икки ва ундан ортиқ шахснинг олдиндан тил бириктириб содир этса;
- б) жамоат тартибини сақлаш вазифасини бажариб турган ҳокимият вакили ёки жамоатчилик вакилига ёхуд безорилик ҳаракатларини олдини олиш чорасини қўлдан бошқа фуқароларга қаршилик кўрсатиб содир этилган бўлса;
- в) такроран содир этилса;

Ушбу модданинг иккинчи қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахсга нисбатан 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган.

